

Хорижий инвестициялар иштироқидаги
«Ўзбекистон рангли металл парчалари,
чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта
ишилаш заводи» акциядорлик жамияти
акциядорлари умумий йиғилиши
— сонли баённомаси
201__ йил «__» _____ даги
қарорига асосан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОҚИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РАНГЛИ
МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ, ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ
ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

МУНДАРИЖА

| | | |
|-------|--|----|
| I. | Умумий қисм | |
| II. | Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари..... | 4 |
| III. | Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорлар ва уларнинг муҳтор вакилларини қайддан ўтказиш | 6 |
| IV. | Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик | 7 |
| V. | Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик..... | 10 |
| VI. | Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми | 12 |
| VII. | Умумий йиғилишнинг ишчи органлари | 13 |
| VIII. | Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби | 15 |
| IX. | Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси..... | 15 |
| X. | Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши | 16 |
| XI. | Якуний қисм | |

I. УМУМИЙ БЎЛИМ

1.1.Ушбу низом акциядорларининг умумий йиғилиши (бундан кейин матнда - Низом) Хорижий инвестициялар иштироқидаги «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти, унинг иши, ўтказилиши тартиби ва у томонидан қарорлар қабул қилинишини белгилаб беради.

1.2.Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги № ПҚ-849 “Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш хамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 06 июнданги № ПҚ-425 “Рангли ва қора металлар парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори бошқа меъёрий-норматив ҳужжатлар, Хорижий инвестициялар иштироқидаги «Ўзбекистон рангли металл парчалари, чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамиятининг (бундан кейин матнда - жамият) Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги № 9-сонли баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши юқори бошқарув органидир.

1.4.Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

5.Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил тугаганидан сўнг олти ойдан кечиктирмасдан ўтказилиши керак. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йилнинг 20-30 июнь кунлари ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда директор деб юритилади), коллегиал ижроия органининг (бундан буён матнда бошқарув деб юритилади) аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

1.6.Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1.Акциядорлар умумий йигилиши ваколатлариға қуидагилар киради:
жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

“Дивиденд сиёсати”, “Ички назорат” ва “манфаатлар қарама қаршилиги” тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга (5 йилдан ортиқ) ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятни ривожлантириш мақсадлариға мослиги ҳақида мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ҳар йиллик таҳлилларни ўtkазиш ҳақида қарор қабул қилиш ва таҳлил натижаларини эшлиш;

жамиятнинг фойда ва заарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшлиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида ушбу Конуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

Жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятига доир битимлар бўйича қарорлар қабул қилиш;

ушбу Конуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

ушбу Конуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

кузатув кенгаши томонидан хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдамни кўрсатиш (олиш) тартиби ҳақида қарор қабул қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига амал қилиш мажбуриятини олиш ва хабар бериш шакли ҳақида қарор қабул қилиш;

ҳисоб комиссиясига амалий ёрдам кўрсатиш ёки унинг функцияларини бажариш учун (масалан, инвестиция соҳаси бўйича маслаҳатчи ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари) мустақил экспертларни жалб этиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

жамият ҳисобидан миноритар акциядорлар қўмитаси харажатларини қоплаш (миноритар акциядорлар қўмитаси ташкил этилган ҳолда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

конунчилик ва жамият низомига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2.Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3.Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

ушбу Конуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тұғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг ижроия органига тұланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

ушбу Қонуннинг 75-моддаси биринчи қисмининг ўн биринчи хатбоисига мувофиқ жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Хисоб комиссиясига амалий ёрдам құrsatiш ёки унинг функцияларини бажариш учун (масалан, инвестиция соҳаси бўйича маслаҳатчи ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари) мустақил эксперталарни жалб этиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

III. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ МУХТОР ВАКИЛЛАРИНИ ҚАЙДДАН ЎТКАЗИШ.

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиши санасидан уч иш куни олдин шакллантирилган рўйхатга киритилган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

3.2. Жамият акциядорларининг шакллантирилган рўйхатига факат қонунчилик томонидан белгиланган тартибга мувофиқ уни шакллантириш санасига қадар ҳуқуқлари бузилган акциядорларининг ҳуқуқини тиклаш ёки рўйхатни шакллантириш чоғида йўл қўйилган камчиликларни тузатиш учун ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида факат жамият акциядорлари рўйхатига киритилган акциядорлар, уларнинг мухтор вакиллари, саноқ комиссияси, ички аудит хизмати ходимлари, аудит текширишни амалга оширган ташкилотнинг вакили, кузатув кенгаши аъзолари, ижро органи, тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек миноритар акциядорлар (агар бўлса) вакили ва бошқалар акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси таклифи билан қатнашиши мумкин.

3.4. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ва уларнинг вакили вакиллари йиғилиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган вақт ва жой бўйича қайддан ўтишлари зарур.

3.5. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тұғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний

шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

3.6. Юридик шахснинг раҳбари — жамият акциядори ўзининг ваколатларини умумий йиғилишда лавозими бўйича уни лавозимга тасдиқлаш ҳақидаги ҳуқуқий ҳужжат ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширилади.

3.7. Акциядор — юридик шахс вакили акциядорлар умумий йиғилишида унинг номига ташкилот раҳбари ёки шу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган (агар муҳри бўлса) таъсис ҳужжатларида ваколатга эга бўлган шахснинг имзоси билан тасдиқланган ишончнома асосида қатнашиши мумкин.

3.8.Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган акциядорлар рўйхатига мос ҳолда рўйхати шакллантирилади.

Қайддан ўтиш рўйхати брошура шаклига келтирилган, рақамланган, тикилган ва жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур.

3.9.Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишида акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайддан ўтиш рўйхатига имзо қўядилар ва жамият акциядорлари рўйхати маълумотлари белгилаб берган шаклда ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқсан ҳолда бюллетенлар тўпламини

3.10. Агар йиғилиш қатнашчиси бир ёки бир неча акциядорларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун ишончномани тақдим этса, унга овоз бериш учун ушбу акциядорнинг (акциядорларнинг) бюллетенлари берилади, қайддан ўтиш рўйхатида бўлса, вакилли акциядор фамилиясининг тўғрисига “№_____ даги _____та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича” мазмунидаги белги қўйилади ва вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми қўрсатилади.

3.11. Қимматли қоғозларнинг номинал сақловчи акциядорларнинг умумий йиғилишида унинг кўрсатмаларига риоя қилган шахс билан тузилган шартномага мувофиқ иштирок этади.

3.12.Агар жамиятнинг акцияси бир неча шахснинг ҳиссадорлик мулки бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи уларнинг келишувига биноан ҳиссадорлик мулк қатнашчиларининг бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилиши мумкин. Кўрсатилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИГА ТАЙЁРГАРЛИК

4.1.Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгashi, ушбу Қонун 65-моддасининг ўн

биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақиравчи шахслар қуидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.2.Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибиға киритилишига йўл қўйилмайди.

4.3.Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.4.Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибиға киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг

хulosаси, жамият кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.5.Агар шахс акциядорлар рўйхатида рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси бўлса, акциялар номиналига акциядорлар умумий йиғилишининг билдиришномаси юборилади. Номзодларнинг акциядорлари уни қонунчиликда ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда ўз мижозларини хабардор қилишлари шарт.

4.6.Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органднинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.7.Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Жамият кузатув кенгashi ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.8. Жамиятнинг кузатув кенгashi тушган таклифларни қўриб чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63 моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий

йиғилиши кун тартибига киритиш тұғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилген масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек күрсатылған номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш тұғрисида”ги Қонуннинг 63 моддасининг биринчи қисмида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) жамиятнинг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш тұғрисида”ги Қонуннинг 63 моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш тұғрисида”ги Қонуннинг 63 моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.9. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тұғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тұғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

5.1 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

5.2. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг

навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш қун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорларнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

5.4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн қун ичida жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.7. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63 моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

қун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

қун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.8. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тұғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидағи асослантирилған қарори йиғилиш чақиришни талаб қылған шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш қунидан кечиктирмай юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тұғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мүмкін.

Жамият кузатув кенгаши “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқини ҳимоя қилиш тұғрисида” ги Қонунда белгиланған муддат ичіда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тұғрисида қарор қабул қылмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қылған тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қылған шахслар томонидан чақирилиши мүмкін. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлық күриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мүмкін.

VI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланған пайтда жамиятнинг жойлаштирилған овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

6.2. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолған йиғилиши ўрнига чақирилған такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланған пайтда жамиятнинг жойлаштирилған овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.3. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тұғрисида хабар қилиш ушбу Қонуннинг 62-моддасида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

6.4. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилған тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолған умумий йиғилишда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VII. УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Умумий йиғилишнинг ишчи органларига қуидагилар киради: президиум, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг президиуми ва раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Акциядорлар умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, узрли сабаблар билан у ҳозир бўлмагандан - жамият кузатув кенгashi аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси йиғилиш президиумига раислик қиласди, йиғилиш жараёнини таъминлайди ва бу борада ўз мажбуриятларини бажариш учун барча ваколатларга эга.

7.4. Умумий йиғилишнинг раиси йиғилиш жараёнини бошқаради, умумий йиғилишнинг ишчи органлари амалларини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, йиғилиш ва овоз бериш жараёнида тушунтиришлар беради, маъruzачиларнинг чиқиш вақтларини чеклаб, залда тартиб сақланиши устидан назорат қиласди.

Шу билан бирга, ўз ҳисоботларида бошқарув органлари молиявий барқарорликни сақлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш, экспорт ва энергия самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаши керак. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси йиғилишни аудио ва видеога ёзиб олиш ва уни интернет тармоғига узатилишига рухсат беришга ҳақли.

Акциядорлар ва уларнинг вакилларини техник воситалар, идентификация қилиш воситалари ва маҳсус ускуналар мавжуд бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференц алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

7.5. Умумий йиғилишнинг раиси умумий йиғилиш баённомасини имзолайди.

7.6. Акциядорлар овозларини санаш, уларни акциядорлар умумий йиғилишда қатнашчиси сифатида қайддан ўтказиш, шунингдек овоз бериш мақсадида бўллетеңларни тарқатиш учун жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан саноқ комиссияси шакллантирилади, бу комиссиянинг микдорий ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

7.7. Саноқ комиссиясининг таркиби уч нафардан кам бўлмаслиги керак. Саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг кузатув кенгashi ва тафтиш комиссияси аъзолари, жамият бошқаруви раиси, шунингдек ушбу лавозимларга сайланадиган шахслар кириши мумкин эмас.

7.8. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш “ битта овоз берувчи акция – битта овоз” қоидаси асосида амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоларининг тўпланиш асосида (кумуляция) овоз бериш билан сайлов ўтказилиши бундан мустасно.

Акциядорлар ва уларнинг вакилларини техник воситалар, идентификация қилиш воситалари ва маҳсус ускуналар мавжуд бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференц алоқа режимида ўтказилиши мумкин.

7.9. Овоз бериш жараёнида овоз берувчилар учун мумкин бўлган фақат битта овоз бериш варианти қолдирилган масалалар бўйича овозлар саналади. Ушбу талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари қонуний кучга эга бўлмаган деб топилади ва ушбу овозларга оид масалалар бўйича ҳисобга олинмайди.

Акциядорларнинг ваколатли вакиллари сифатида ижро етувчи органнинг аъзолари ижро етувчи ҳокимият аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишида қатнашмайди.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишида қатнашган шахсга ўз ҳисобидан ўзи тўлдирилган бюллетендан нусха олишига имкон беради.

Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар акциядорлар умумий йиғилишида битимларига овоз беришда биргаликдаги позиция шакллантириш хукуқига эга.

7.10. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.12. Ҳисоб комиссиясининг ваколат муддати акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида (йиллик ёки навбатдан) ҳисобкомиссиясининг янги аъзолигини танлашга (ёхуд қайта сайланишга) қадар у ҳисобланган вақтдан ҳисобланади.

7.13. Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўришда кузатув кенгashi номидан ҳисоб комиссия қўйидаги функцияларни бажаради:

- акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш хукуқига эга бўлган акциядорлар.рўйхатини.тузади;

- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини чиқаради ва жўнатади, берилган (жўнатилган) сайлов бюллетенларини ёзувини олиб боради.

7.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг аввалги умумий йиғилишида сайланган комиссия қўйидаги функцияларни бажаради:

- акциядорларни (уларнинг вакилларини) умумий йиғилишда иштирок этиш рўйхатни юритади;

- ишончнома ва улар томонидан берилган хуқуқларни ҳисобга олади;

- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахборотларини (материалларини) чиқаради;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлигини белгилайди.

7.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган ҳисоб комиссияси:

- акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;

- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда уларнинг овоз бериш хуқуқидан фойдаланиш чоғида пайдо бўлган масалалар бўйича тушунтиришлар беради;
- овоз беришга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз бериш тартиби ва акциядорларнинг овоз бериш жараёнидаги хуқуқларини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз бериш натижаларини аниқлайди;
- овоз бериш натижалари бўйича баённома тузади;
- архивга овоз бериш бюллетенларини топширади.

VIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

8.1.Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ушбу Низомга мос ҳолда акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида тасдиқланади.

8.2.Кузатув кенгаши раиси умумий йиғилишнинг президиуми ва котибини (котибиятини), шунингдек саноқ комиссияси таркибини сайлаш бўйича таклиф беради.

8.3. Акциядорларнинг ташаббуси билан ўтказиладиган умумий йиғилиш жамиятнинг уставида белгиланган тартибда ўтказилади.

8.4.Умумий йиғилишни олиб бориш жараёни ўз ичига йиғилишнинг бошланиши ва тахминий тугаши вақти, маъruzalар ва танаффуслар давомийлиги, кун тартибидаги масалаларнинг кетма кетлиги, кун тартиби масалалари бўйича маъruzачиларнинг фамилияси ва лавозими, овоз бериш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини қамраб олади.

8.5.Асосий қоидага, яъни акциядорлар умумий йиғилишида муҳокама қилинаётган масала бўйича берилган вақт доирасида ҳар бир акциядор сўзга чиқа олиши мумкинлигига амал қилган ҳолда йиғилиш жараёнида пайдо бўладиган жорий масалаларни раиснинг ўзи ҳал қиласида.

8.6.Кун тартибидаги масалалар бўйича музокарапарда қатнашиш истагини билдирганлар умумий йиғилиш котибига (котибиятига) муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда ёзма талабнома берадилар.

8.7.Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиб бўлингандан сўнг раис акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласида.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

9.1.Умумий йиғилиш котибиятининг миқдорий ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг котиби сифатида сайланиши (аъзо бўлмоғи) мумкин.

9.2.Умумий йиғилиш котибияти:

умумий йиғилиш жараёнини баёнлаштиради;

ёзма талабномалар асосида умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалар мухокамасида қатнашиш истагини билдирганлар ҳисобини юритади;

Акциядорлар умумий йиғилиши ёпилишидан сўнг ўн кундан кечикитрмай акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини икки нусхада тузади.

Акциядорлар умумий йиғилишида қуидагилар кўрсатилади:

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, жойи ва вақти;

акциядорлар – жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаларининг сони;

йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг овозлари сони;

йиғилишнинг раиси (президиуми) ва котиби (котибияти),
йиғилишнинг кун тартиби;

маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар, овоз бериш натижалари ва умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар;

агар акциядорлар умумий йиғилиши аудио – ва видеога ёзилиб интернет тармоғига узатилса, ушбу маълумот ҳам кўрсатиб ўтилади.

X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1.Агар йиғилиш қарорида бошқаси белгиланиб, унинг баённомасида кўрсатилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назоратни жамиятнинг кузатув кенгаши амалга оширади.

10.2.Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижроси барча акциядорлар, жумладан йиғилишда қатнашаётган ва қатнашмаётган (уларга тегишли қисмида) акциядорлар учун мажбурийдир.

XI. ЯКУНИЙ КИСМ

11.1.Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбор шахслар белгилангандар тартибда жавобгардирлар.

11.2.Агар ушбу Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига хилоф бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу моддаларда берилган ҳолатлар бўйича ушбу Низомга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Низомига асосан амал қилиниши зарур.